

“Жавохир Строй-тех” МЧЖ, кейинги ўринларда “Сотувчи” деб юритилади. Ўзининг низоми, асосида иш юритувчи Ф.Умаров номидан, бир томондан ва «Форумлар мажмуаси» комплексидан фойдаланиш ва хизмат кўрсатиш бошқармаси, кейинги ўринларда “Сотиб олувчи” деб юритилади, Ўзининг низоми, асосида иш юритувчи болшкарма бошлиги Х.Равшанов номидан, иккинчи томондан мазкур шартномани қуйидагилар ҳақида туздилар.

5. ШАРТНОМАНИНГ ПРЕДМЕТИ

1.1. Сотувчи ўзига тегишли бўлган товар(маҳсулот)ни ушбу спецификацияга асосан Сотиб олувчига ўз вақтида сифатли қилиб етказиб бериш, Сотиб олувчи эса товар(маҳсулот)ни қабул қилиш ва ушбу Шартномада белгиланган муддатларда тўлаш мажбуриятини олади.

№	Товар ва маҳсулотлар номланиши	Улч. бирлиги	миқдори	нархи	Сумма	Ставка	Сумма	Жами сумма НДС билан
1	Обрезной диск для болгарок д180	шт	50	15000	750000	15%	112500	862500
2	Изолента	шт	150	16200	2430000	15%	364500	2794500
3	Лерка и метчик	комп	2	750000	1500000	15%	225000	1725000
4	Труба стальная д25	м	30	27000	810000	15%	121500	931500
5	Труба полипропиленевие д20	м	70	8600	602000	15%	90300	692300
6	Труба д25	м	70	9100	637000	15%	95550	732550
7	Вентиль бронзовый д15	шт	50	25000	1250000	15%	187500	1437500
8	Вентиль пластмассовый д20	шт	50	22000	1100000	15%	165000	1265000
9	Американка д20	шт	50	32000	1600000	15%	240000	1840000
10	Отсекающий вентиль д15	шт	50	19000	950000	15%	142500	1092500
11	Смеситель для душа	шт	35	880000	30800000	15%	4620000	35420000
12	Смеситель для раковин	шт	30	520000	15600000	15%	2340000	17940000
13	Смеситель для биде	шт	10	420000	4200000	15%	630000	4830000
14	Батарейки 1,5w маленькие	шт	180	18600	3348000	15%	502200	3850200
15	Экономные лампы 220v 15w E27	шт	300	35000	10500000	15%	1575000	12075000
16	Светодиодная лампа 220v 10w E27	шт	300	30000	9000000	15%	1350000	10350000
17	Сердцевина	шт	50	120000	6000000	15%	900000	6900000
18	Тройник для труб д25	шт	150	8000	1200000	15%	180000	1380000
19	Переходник для труб д 63x50	шт	200	35000	7000000	15%	1050000	8050000
20	Муфта д25	шт	100	8000	800000	15%	120000	920000
21	Седло д50x15	шт	80	12000	960000	15%	144000	1104000
22	Ср.для унитаза Доместос	л	60	26000	1560000	15%	234000	1794000
23	Порошок Персил автомат	кг	88	16800	1478400	15%	221760	1700160
	Жами				104075400		15611310	119686710

1.2. Шартноманинг умумий НДС қушилган ҳолда суммаси **119686710** (Бир юз ўн тўққиз миллион олти юз саксон олти минг етти юз ўн) сўмни ташкил қилади

2. ЕТКАЗИБ БЕРИШ ВА ҲИСОБ-КИТОБЛАР ШАРТЛАРИ

2.1. “Буюртмачи” мазкур шартномани газначилик бошқармасида рўйхатга олинган кундан бошлаб 5 банк иш куни ичида қонунчиликка мувофиқ, шартнома умумий суммасидан 30 % миқдорида (шартнома суммасидан 30% миқдорида) олдиндан тўлаш мажбуриятини олади, қолган 70 % ни товарни олгандан сўнг 10 банк иш куни ичида қабул қилиш-топшириш далолатномаси, ҳисоб-фактура ва в.б. асосида тўлайди.

2.2. “Етказиб берувчи” аванс маблағлари Етказиб берувчининг тегишли ҳисобварағига қелиб тушган вақтдан бошлаб 3 банк иш куни ичида товарни етказиб бериш мажбуриятини олади.

2.3. “Етказиб берувчи” амалдаги ГОСТ га мувофиқ товарни етказиб бериши шарт.

2.4. “Буюртмачи” товарларни қабул қилишда “Етказиб берувчи” иштирокида олинаётган товарларнинг тўлиқлигини ва сифатини шартноманинг 1.1-бандида кўрсатилган товарларга мувофиқлигини текшириши шарт.

2.5. Агар мазкур шартнома билан бошқа ҳоллар кўзда тутилмаган бўлса, товарларни ташиш ва тушириш бўйича барча харажатлар Етказиб берувчи ҳисобидан амалга оширилади.

2.6. Буюртмачининг розилигига кўра товар муддатидан олдин етказиб берилиши мумкин.

2.7. Етказиб берилган товар бевосита Буюртмачининг масъул ходимлари томонидан далолатнома бўйича қабул қилинади ва унда етказиб берилган товарларнинг миқдори, унинг сифати кўрсатилади.

2.8. Мазкур шартномада кўзда тутилган товарларни етказиб бериш, мазкур шартномага мувофиқ амалга оширилади.

3. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1. Буюртмачининг ҳуқуқлари: Етказиб берувчидан шартномани бажариш учун зарур бўлган давлат стандартлари ва бошқа меъёрий ҳужжатлар билан таъминлашни талаб қилиш;

Буюртмачи ҳисобидан товарлар ташиб келтирилганда, Етказиб берувчидан транспорт харажатларини коплаб беришни талаб қилиш, агар мазкур шартноманинг шартлариджа бошқа ҳоллар белгиланмаган бўлса;

Етказиб берувчидан мазкур шартномага мувофиқ, тегишли сифат, ассортимент бўйича товарларни етказиб беришни талаб қилиш;

Сифатсиз товар етказиб берилганда ўз ихтиёрига кўра қуйидагилардан бирини талаб қилиш:

- тегишли сифатдаги шунга ўхшаш товар билан алмаштириб бериш;

- камчиликларни беғараз бартарф этиш;

- Етказиб берувчидан мазкур шартнома шартларини бажармаганлиги ёки тегишли даражада бажармаганлиги натижасида етказилган зарарни коплаб беришни талаб қилиш.

3.2. Буюртмачининг мажбуриятлари:

- мазкур шартномага мувофиқ етказиб берилган товарларни қабул қилиш;

- товарларнинг қийматини мазкур шартномада белгиланган нархда ва муддатда тўлаш.

3.3. Етказиб берувчи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- “Буюртмачидан” олдиндан тўлов ва етказиб берилган товарлар учун якуний ҳисоб-китобларни Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигида кўзда тутилган тартибда ва ҳажмларда амалга оширишни талаб қилиш;

- Буюртмачидан шартномага мувофиқ, етказиб берилган товарларни асоссиз равишда қабул қилмаслик натижасида етказилган зарарларни коплаб беришни талаб қилиш.

3.4. Етказиб берувчининг мажбуриятлари:

- Буюртмачига товарларни мазкур шартномага мувофиқ белгиланган муддатда, миқдорда ва сифатда етказиб бериш;

- агар товарларни етказиб бериш жараёнида Етказиб берувчи шартнома шартлари ва меъёрлардан ёки Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигидан четга чиқишга йўл қўйган ҳолларда Буюртмачининг талаби бўйича 3- кун муддат ичида барча аниқланган камчиликларни беғараз бартараф этиш.

3.5. Мазкур шартнома белгиланган тартибда мазкур шартнома шартлари ва талаблари ва Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунчилигига мувофиқ ижро этилиши шарт.

3.6. Томонлар ўз зиммаларига олган барча мажбуриятларнинг ижросини таъминлаган тақдирда шартнома бажарилган ҳисобланади.

4. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИКЛАРИ

4.1. Товарларни танлаб олмаслик, шунингдек етказиб берувчи шартномада белгиланган муддатда (даврд) уларни етказиб берганда товарларни олишни асоссиз равишда рад этганлик учун сотиб олувчи етказиб берувчига танлаб олинмаган (ўз муддатида олинмаган) товарлар қийматининг 5 фоизи миқдорида, тез бузиладиган товарлар бўйича эса — 10 фоиз миқдорида жарима тўлайди.

Товарлар танлаб олинмаган (олиш асоссиз рад этилган) ҳолларда, етказиб берувчи жарима ундиришдан ташқари, ушбу товарлар мавжудлигининг кафолатларини тақдим этган ҳолда, танлаб олинмаган (ўз муддатида олинмаган) товарлар қиймати тўланишини талаб қилишга ҳақлидир.

4.2. Тўлов талабномаси акцептини асоссиз равишда бутунлай ёки қисман рад этганлик, шунингдек ҳисоб-китобнинг бошқа шаклларида товарлар ҳақини тўлашдан бош тортганлик (банк муассасасига тўлов топшириқномасини тақдим этмаганлик, чек бермаганлик, аккредитивни тақдим этмаганлик ва хоказо) учун буюртмачи маҳсулот етказиб берувчига ўзи тўлашни рад этган ёки бош тортган сумманинг 15 фоизи миқдорида жарима тўлайди.

Етказиб берилган товарлар ҳақини ўз вақтида тўламаганлик учун буюртмачи етказиб берувчига етказиб юборилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорида, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорида пеня тўлайди.

4.3. Етказиб берувчи:

- миқдор, сифат, техник параметрлар, шунингдек тақлиф этилаётган товарларни етказиб бериш муддатлари ва жойи бўйича етказиб берувчи шартнома шартларининг буюртмачи назарда тутилган шартларга мувофиқлиги;

- шартнома шартларининг бошқа бузилишлари;

- тузилган шартнома шартларининг бажарилмаганлиги учун жавоб беради.

4.4. Агар етказиб берилган товарлар сифати, ассортимент ва нави бўйича стандартлар, техник шартлар, намуналарга (эталонларга) қонун ҳужжатларида ёки ҳужалик шартномасида белгиланган бошқа мажбурий шартларга мос келмаса, сотиб олувчи (буюртмачи) товарларни қабул қилиш ҳамда уларнинг ҳақини тўлашни рад этиб, етказиб берувчидан сифати, ассортимент ва нави лозим даражада бўлмаган товарлар қийматининг 20 фоизи миқдорида жарима ундириб олишга, агар товарлар ҳақи тўлаб қўйилган бўлса, тўланган суммани белгиланган тартибда қайтаришни талаб қилишга ҳақлидир. Сифати, ассортимент ва нави лозим даражада бўлмаган товарлар етказиб берганлик учун жарима етказиб берувчидан акцептсиз тартибда ундириб олинади.

4.5. Товарларни етказиб бериш муддатлари кечиктириб юборилган, тўлик етказиб берилмаган, товар етказиб берувчи сотиб олувчига (буюртмачига) кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган товарлар, бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган

хизматлар баҳосининг 50 фоизидан ошиб кетмаслиги лозим. Пеняни тўлаш шартнома мажбуриятларини бузган тарафни товарларни етказиб бериш муддатларини кечиктириб юбориш, тўлик етказиб бермаслик, оқибатида етказилган зарарни коплашдан озод этмайди.

4.6. Марка белгиси қўйилмаган ёки лозим даражада маркировка қилинмаган товарларни, шунингдек идишсиз ёки ўралмаган товарларни ёхуд тегишли идишга жойланмаган ёки лозим даражада ўралмаган товарларни етказиб берганлик учун етказиб берувчи сотиб олувчига (буюртмачига) бундай товарлар қийматининг 5 фоизи миқдориди жарима тўлайди. Товарлар қабул қилингандан кейин яна жўнатилиши ёки сақланиши керак бўлган ҳолларда сотиб олувчи (буюртмачи) жарима ундиришдан ташқари, ўз кучи билан, лекин етказиб берувчи ҳисобидан товарларни ўрашга ва идишларга жойлашга, ёхуд бир шаҳардаги етказиб берувчидан товарларни ўраб бериш ёки идишларга жойлаб беришни талаб қилишга ҳақлидир.

5. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

5.1. Келишмовчиликлар ва баҳслар келиб чиққан тақдирда, томонлар, қоидага кўра, мустақил равишда уларни судгача ҳал этиш чораларини кўрадилар.

5.2. Томонлар келишмовчилик ва баҳсларни ҳал этиш учун бевосита хўжалик судига муурожаат қилишга ҳақлидир.

5.3. Томонлар хўжалик судига муурожаат қилган тақдирда, суд иши даъвогар жойлашган манзилдаги хўжалик судида кўриб чиқилади.

6. ФОРС-МАЖОР

6.1. Форс-мажор натижасида мажбуриятларни бажарилмаслиги ҳолатлари келиб чиқса ва бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 15 февралдаги 63-сонли “Енгиб бўлмас куч (форс-мажор) ҳолатларининг мавжудлигини тасдиқлаш механизмини киритиш тўғрисида”ги қарориди кўзда тутилган шартларда томонлар ушбу шартнома бўйича мажбуриятларни қисман ёки тўлик бажарилишидан озод этилади.

7. БОШҚА ШАРТЛАР

7.1. Ушбу шартномада томонларнинг кўзда тутилмаган ўзаро муносабатлари Ўзбекистон Республикаси қонунлари билан тартибга солинади.

8. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ



8.1. Мазкур шартнома газначилик бошқармасида мажбурий рўйхатга олинган кундан бошлаб кучга кириди ва 2022 й. “31” декабригача амал қилади.

8.2. Шартноманинг амал қилиши бир томоннинг ташаббусига кўра ой (бир) давомида бошқа томонга ёзма ариза топширган кундан бошлаб, барча ўзаро ҳисоб-китоблар тугаганлиги муддатидан аввал тўхтатилиши мумкин.


Томонлар ўз зиммаларига олган барча мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаган ҳолларда шартнома бажарилган ҳисобланади.

8.3. Шартноманинг амал қилиш муддатини тугаши томонларни жавобгарликдан озод қилмайди.

9. ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА РЕКВИЗИТЛАРИ

Етказиб берувчи	Буюртмачи
<p>Ташиқлот номи: “Жавохир Строй-тех” МЧЖ Манзил: Самарқанд шаҳар Рудакий кўчаси 187 уй</p> <p>Телефон:</p> <p>Факс:</p> <p>СТИР коди: 305884899</p> <p>ОКОНХ: 71150, ОКЭД: 46900</p> <p>Х/Р 20208000700046897001</p> <p>Банк номи: ЧДКЕИ «Халқор Банк» АТБ Боғишамол ф-ли МФО: 011001</p> <p>Раҳбар (Директор):  Умаров Ф М.Ў. (ИМЗО)</p>	<p>Ташиқлот номи: “Форумлар мажмуаси” комплексидан фойдаланиш ва хизмат курсатиш бошқармаси Манзил: Самарқанд шаҳар Гулобод кўчаси 33 уй Тел.: 8 (366) 239-83-06 Факс: _____ СТИР коди: 204099034 ОКОНХ: 90220</p> <p>Буюртмачининг Ғазна шахсий ҳисобварағи: 100021860184017013902018001</p> <p>Ғазначилик бўлинмаси номи: Самарқанд вилояти бўйича Ғазначилик бошқармаси Ягона Ғазначилик ҳисобварақлари (ЯҒХ): 23402000300100001010</p> <p>Банк номи: Марказий банк Тошкент шаҳар бош бошқармаси ХКММ МФО: 00014</p> <p>Ғазначилик бўлинмаси ИИН рақами: 201122919</p> <p>Бошқарма бошлиғи:  Х.Равшанов М.Ў. (ИМЗО)</p>

Ҳуқуқшунос _____



Ҳуқуқшунос _____



Самарканд вилоят ҳокимлиги «Форумлар мажмуаси» комплексидан фойдаланиш ва хизмат кўрсатиш бошқармаси
 хужалик жихозлар харид қилиш бўйича доимий ишловчи танлов (тендер) Комиссия йиғилиши
БАЁНИ № 8

2022 йил 20 январ

Раислик қилувчи
 Иштирок этдилар

М.Таикиев
 О.Туракулов
 Ш.Ғаниев
 М.Закиров
 Д.Эрназаров
 Ш.Очилов
 Э.Хожимуродов

КУН ТАРТИБИ:

«Форумлар мажмуаси» комплексидан фойдаланиш ва хизмат кўрсатиш бошқармасига хужалик жихозлар харид қилиш бўйича «Жавохир Строй Тех» МЧЖ, «Худойбердиев Маъруф Хусенович»ЯТТ ва «Жавохирбек Диёрбек» ХК томонидан танлов (тендер) Комиссияга тақдим этилган харид таклифлари бўйича энг яхши харид таклифини аниқлаш.

Сўзга чиқганлар:

Дилшод Эрназаров, Мухлис Закиров ва О.Туракулов

Йиғилишда қайд этилдики, «Форумлар мажмуаси» комплексидан фойдаланиш ва хизмат кўрсатиш бошқармасга хужалик жихозлар харид қилиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 7 октябрдаги 9-сонли баённомасининг 6 – бандини инобатга олиб, доимий ишловчи Комиссиясининг хужалик жихозлар харид қилиш бўйича бир қатор корхоналардан харид таклифлари тақдим этилган.

Жумладан, харид таклифларини тақдим этиш тўғрисидаги расмий мувожаатномага мувофиқ. Комиссияга:

- Самарканд шаҳар Рудакий кучасида жойлашган, «Жавохир Строй Тех» МЧЖ томонидан 2022 йил 20 январдаги №8 сонли хат билан;

- Самарканд вилояти Ургут тумани Омонқўтон МФЙда жойлашган жойлашган, «Худойбердиев Маъруф Хусенович»ЯТТ томонидан 2022 йил 20 январдаги № 20/01-1 хат билан танловда иштирок этиш учун алоҳида харид таклифлари тақдим этилган.

- Самарканд шаҳар М.Кошгарий кучаси 56 уйда жойлашган «Жавохирбек Диёрбек» ХК томонидан 2022 йил 20 январдаги №11 сонли хат билан;

Мазкур корхоналар томонидан тақдим этилган харид таклифларига мувофиқ хужалик жихозлар харид қилиш бўйича танловда иштирок этиш учун қуйидаги тур, Улчам ва нархлар таклиф этилган:

№	Тури	Ўлчов бирлиги	Ўлчам и	ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИЛАР		
				«Жавохир Строй Тех» МЧЖ	«Худойбердиев Маъруф Хусенович»ЯТТ	«Жавохирбек Диёрбек» ХК
				Нархи	Нархи	Нархи
25.	Обрезной диск для болгарок д180	шт	1	17250	17250	17250
26.	Изолента	шт	1	18630	18630	18630
27.	Лерка и метчик	комп	1	862500	862500	862500
28.	Труба стальная д25	м	1	31050	31050	33600
29.	Труба полипропиленевие д20	м	1	9890	10200	10200
30.	Труба д25	м	1	10465	10465	10465
31.	Вентиль бронзовый д15	шт	1	28750	28750	28750
32.	Вентиль пластмассовый д20	шт	1	25300	26000	26000
33.	Американка д20	шт	1	36800	36800	38600
34.	Пилот электрический 5м	шт	1	71300	71300	71300
35.	Отсекающий вентиль д15	шт	1	21850	24000	24000
36.	Смеситель для душа	шт	1	1012000	1012000	1012000
37.	Смеситель для раковин	шт	1	598000	598000	598000
38.	Смеситель для биде	шт	1	483000	483000	483000
39.	Батарейки 1,5w маленкие	шт	1	21390	21390	26900
40.	Экономные лампы 220v 15w E27	шт	1	40250	42300	42300
41.	Светодиодная лампа 220v 10w E27	шт	1	34500	34500	34500
42.	Сердцевина	шт	1	138000	138000	138000
43.	Тройник для труб д25	шт	1	9200	9200	9200
44.	Переходник для труб д 63x50	шт	1	40250	40250	40250

21.	Муфта д25	шт	1	9200	9200	9200
22.	Седло д50х15	шт	1	13800	13800	13800
23.	Ср.для унитаза Доместос	л	1	29900	29900	29900
24.	Порошок Персил автомат	кг	1	19320	19320	19320

“Корхоналар томонидан хужалик жиҳозлар сифатли ҳамда шартномада келишилган муддатларда тайёрлаш, уларни етказиб бериш ва уларни олингунга қадар оморларда тўлик сақлаб туриш кафолати берилган”.

“Комиссия аъзолари томонидан йўл-транспорт харажатларини максимал иктисод қилиш, марказдалиги ҳамда сақлаш шароитлари бўйича ўтказилган таҳлиллар натижасида Самарқанд шаҳар Рудакий кучасида жойлашган, "Жавохир Строй Тех" МЧЖ имкониятлари қулайлигини кўрсатиб ўтилди”.

“Шунингдек, Самарқанд вилояти Ургут тумани Омонқўтон МФЙда жойлашган жойлашган, «Худойбердиев Маъруф Хусенович»ЯТТ ва Самарқанд шаҳар М.Кошгарий кучаси 56 уйда жойлашган «Жавохирбек Диёрбек» ХК томонидан харид таклифларида қайд этилган нархлар юқорилиги ва маҳсулотларни етказишда қўшимча харажатларга талабни келтириб чиқариши мумкинлиги кўрсатиб ўтилди”.

Йиғилишда таъкидлаб ўтилганларни ҳисобга олиб ҳамда корхоналар томонидан тақдим этилган харид нархлар, сифати ва шартномада келишилган муддатларда тайёрлаш, уларни етказиб бериш ва уларни олингунга қадар оморларда тўлик сақлаб туриш, корхоналарнинг яқин-узқлиги, транспорт харажатларни ҳар томонлама таҳлилдан ўтказиб, Комиссия

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. «Форумлар мажмуаси» комплексидан фойдаланиш ва хизмат кўрсатиш бошқармаси хужалик жиҳозларни:
- тақдим этилган нархлари арзонлиги;
- сифати ва шартномада келишилган муддатларда тайёрлаш, етказиб бериш ва маҳсулотларни олингунга қадар оморларда тўлик сақлаб туриш кафолати берилганлиги;

- корхонани Самарқанд шаҳри марказида жойлашганлиги, бу эса жиҳозларни олиб келиш учун қулай эканлиги ҳамда транспорт харажатларини иктисод қилиш имконияти мавжудлиги туфайли "Жавохир Строй Тех" МЧЖ дан харид қилинсин.

2 "Жавохир Строй Тех" МЧЖ дан хужалик жиҳозлар харид қилиш бўйича «Форумлар мажмуаси» комплексидан фойдаланиш ва хизмат кўрсатиш бошқармаси ўртасида хужалик шартномалари лойиҳалари икки нусхада Ўзбекистон

Республикасининг бюджет кодекси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 28 февралдаги ПҚ-594-сон “Давлат бюджетининг газна ижроси тизимини янада ривожлантириш чора тadbирлари тўғрисида”ги қарори ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007йил 20 мартдаги 53-сон “Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлигининг фазначилиги тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги қарорига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси молия вазирлигининг 2016 йил 22 ноябрдаги 88-сон буйруғи (рўйхат рақами 2850,2016 йил 22 декабр) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўпласи, 2016й, 51-сон, 593-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2017 йил 29 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2850-1 Ўзбекистон Республикаси бюджет тизими бюджетларнинг газна ижроси қондаларига иловага мувофиқ риюя қилинган ҳолда тузиш белгилансин.

3. "Жавохир Строй Тех" МЧЖ дан хужалик жиҳозлар харид қилиш бўйича «Форумлар мажмуаси» комплексидан фойдаланиш ва хизмат кўрсатиш бошқармасига хужалик жиҳозлар харид қилиш бўйича тузиладиган хужалик шартномалари Ўзбекистон Республикасининг 27.09.2018 йилдаги ПҚ-3953-сонли, «Давлат харидлари тўғрисида»ги қонунининг Давлат буюртмачилари томонидан тўғридан-тўғри шартномалар бўйича харид қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар) рўйхатидаги 26-бандида кўзда тутилган, яъни, “Мамлакатимиз, ҳукуматимиз раҳбарлари, хорижий давлатлар ва ҳукуматлар бошлиқлари ҳамда уларнинг вакилларининг қабуллар уйига ташрифи билан боғлиқ бўлган товарлар (ишлар, хизматлар), шу жумладан уларнинг яшаши, овқатланиши, ташкилий масалаларни ҳал этиш ва ушбу мақсадлар учун кўзда тутилган бошқа харажатлар” бандини инобатга олиб ички тендер танловлари асосида шартнома тузилсин ва тўловлар амалга оширилсин.

4 "Жавохир Строй Тех" МЧЖ дан хужалик жиҳозлар харид қилиш бўйича «Форумлар мажмуаси» комплексидан фойдаланиш ва хизмат кўрсатиш бошқармаси ўртасида икки томонлама тасдиқланган ва жалб этиладиган адвокатлар ёки юристлар экспертизасидан ўтказилган хужалик шартномалари белгиланган тартибда тузилиб, икки томон раҳбарлари томонидан тасдиқлангандан сўнг асли ва 1 (бир) нусхаси 20 кун ичида Самарқанд вилояти бўйича Ғазначилик бошқармаси юридик мажбуриятларни рўйхатга олиш ва нарх мониторинги гуруҳига тақдим этилсин.

5. Мазкур баённомага харид таклифларини тақдим этган корхоналарнинг хатлари, харид таклифлари ва тендер тавловида ҳолиб чиққан корхонанинг гувоҳномалари, лицензия ва бошқа тақдим этилган хужжатлари илова қилинсин.

6. Мазкур баённома ижроси назорати комиссия раиси ўринбосарига юқлатилсин.

Комиссия раиси, бошқарма бошлиғи
ўринбосари

Комиссия раиси ўринбосари, бош муҳандис

Комиссия аъзоси, видеокузатув оператори

Комиссия аъзоси, комендант

Комиссия аъзоси, омор мудири

Комиссия аъзоси, муҳандис теплотехник

Комиссия аъзоси, Энергетик

М.Тамкеев
Б.Тўракулов
М.Закиров
Д.Эрназаров
Ш.Ғаниев
Ш.Очилов
Э.Хожимуродов